

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

7-сон
(91)
2004 й.
февраль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

80. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 февралдаги 74-сон қарори
81. «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасини тугатиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 18 февралдаги 76-сон қарори
82. «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг низоми ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 18 февралдаги 77-сон қарори

Бешинчи бўлим

84. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган тоифага киритиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 феврал

- даги ЭГ-01/12-368, 19. 29, 01-02/8-11, 2004-18-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 февралда 1311-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
85. «Қурилиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳозлаш, лойиҳалаш, материаллар, конструкциялар ва ускуналарни сотиб олишга тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 3 февралдаги 3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 февралда 1177-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
86. «Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 7, 2004-07-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 февралда 1219-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
87. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 12 январдаги 10, 2004-09-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 февралда 1102-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
88. «Бююртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 3 февралдаги 2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 февралда 1075-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
89. «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 5, 2004-05-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 февралда 1107-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
90. «Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 27 декабрдаги 555-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 февралда 1312-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
91. «Таваккалчиликка асосланган ўйин автоматлари залини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 28 январдаги 23-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 февралда 1313-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

92. «Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига киритилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот» бўйича 1-қурилиш (йиллик) ва 1-қурилиш (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 3-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 февралда 1314-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
93. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2003 йил 28 ноябрдаги 128, 218-В-1-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 февралда 1149-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 14 февралдан 20 февралгача бўлган маълумот

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низом»га киритилган 2-сон қўшимчага тузатиш (2004 йил 14 январь, рўйхат рақами 1204-2-сон — Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 1-2-сон, 26-модда)

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

80 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизimini такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 августдаги ПФ–3292-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Р. Юнусов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 17 февраль,
74-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 17 февралдаги 74-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорининг 5-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ҳудудга кириш ҳужжатларини расмийлаштирганлик учун ставка ва автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги учун олинadиган тўлов қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Йиғимларни ундириш эркин муомаладаги валютада бевосита божхона постларида ваколатли банкларнинг қабул қилиш пунктларида амалга оширилади, олинган маблағлар жамғарма даромадларининг транзит ҳисоб рақамлари орқали Ўзбекис-

тон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг валюта ҳисоб рақамларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Ҳужжатларни расмийлаштириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш учун йиғимлар тўлаш устидан назорат божхона органлари томонидан амалга оширилади.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига тушган валюта маблағларидан «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан, транзит магистрал йўлларни таъмирлаш ва сақлаш учун йўл техникалари, асбоб-ускуналар, технологиялар ҳамда хорижда ишлаб чиқарилган материалларни сотиб олиш, шунингдек хорижда ёки хорижий фирмалар мутахассисларини республикага таклиф қилган ҳолда малакали кадрлар тайёрлаш учун фойдаланилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси юк оқимларининг Грузия портлари орқали ўтишини мувофиқлаштириш бўйича Ҳукумат комиссиясини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 24 майдаги 194-сон қарорининг 1-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги», «Ўзавтойўл» концерни», «Ўзавтотранс» корпорацияси», «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги», «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси», «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги», «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини ва ходимлари сонини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 17 февралдаги 56-сон қарорида:

1-иловининг олтинчи хатбошидаги «Ўзавтойўл» концерни» сўзлари «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-иловада:

илова номидаги «Ўзавтойўл» концерни» сўзлари «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Назорат қилиб бориладиган вазирликлар ва идоралар» бўлимидаги «Ўзавтойўл» концерни» сўзлари «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 23-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомда:

7-банднинг иккинчи хатбоши ва 8-банднинг 8.1-кичик бандидаги «Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» сўзларидан кейин «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига» сўзлари қўшилсин;

8-банднинг 8.4-кичик банди учинчи хатбошидаги «ва Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» сўзлари «шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

81 «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасини тугатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармонида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси муассислари умумий йиғилишида уюшмани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасини тугатиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш учун 1-иловага* мувофиқ таркибда ишчи комиссия тузилсин.

Ишчи комиссия «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасини тугатиш билан боғлиқ чора-тадбирлар комплексини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан берилган кредитлар бўйича «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси мажбуриятлари «Ўзбек қоғози» акциядорлик жамиятига берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси тугатилиши муносабати билан бўшаб қолётган ходимларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзбек қоғози» акциядорлик жамияти акциялари пакетларининг давлат улушини профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга тендер асосида белгиланган тартибда берилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика қоғоз саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 20 июндаги 257-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 18 февраль,
76-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 18 февралдаги 76-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаш-

* 1-илова берилмайди.

тириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 391-сон қарорига 5-ило-
ванинг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасар-
руфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги
185-сон қарорига 3-иловадаги «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси» сўзлари чиқариб таш-
лансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар спортини тарғиб қилиш ва болалар учун
спорт товарлари ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 18 июлдаги 318-сон қарорининг (Ўзбекистон Рес-
публикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 64-модда) 4-бандидан «Ўзбекқоғозсаноат» (Умаров)»
сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

82 Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳу- зуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўми- тасининг низоми ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқаруви республика орган-
лари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон
Фармони бажариш юзасидан ва «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-
ликаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги
Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг асосий вазифалари этиб бел-
гилансин:

устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий ахволи мони-
торингини олиб бориш, тўловга қодир бўлмаган, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисод-
дий ночор корхоналарни аниқлаш;

банкротлик соҳасида давлат томонидан тартибга солишни амалга ошириш;

корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда
давлат манфаатларини ифодалаш;

ижро этувчи ҳокимият республика ва маҳаллий органлари билан биргаликда
корхоналар банкротлигининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар кўри-
лиши ташкил этилишини таъминлаш;

устав фондида давлат улуши бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли
ва иқтисодий ночор корхоналарни ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарини тарки-
бий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқиши
ва амалга оширилишига кўмаклашиш;

суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг ягона реестрини
юритиш;

суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор
корхоналар ишлари қўмитаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Қўмитанинг ташкилий тузилмаси, марказий аппарати тузилмаси ва ҳудудий бошқармасининг намунавий тузилмаси 2—4*-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 32 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 25 нафар этиб белгилансин.

Қўмита раисига марказий аппарат тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони ва уларнинг таъминотига ажратиладиган маблағлар доирасида ўзгартиришлар кириштиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 18 февраль,
77-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 18 февралдаги 77-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб юритилади) корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги соҳасидаги вазифаларни ҳал этишга ваколатли бўлган давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Қўмита Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради. Қўмита Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) ишчи органи ҳисобланади.

2. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

3. Қўмита тизимига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) киради.

* 4-илова берилмайди.

4. Қўмита ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Қўмитанинг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг моддий-техника таъминоти, шунингдек Қўмита тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Қўмитага ажратилган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари, Корхоналар санацияси жамғармаси маблағларининг бир қисми ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари юридик шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Қўмитанинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий аҳволи мониторингини олиб бориш, тўловга қодир бўлмаган, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш;

банкротлик соҳасида давлат томонидан тартибга солишни амалга ошириш; иқтисодий ночор корхоналар тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда давлат манфаатларини ифодалаш;

ижро этувчи ҳокимият республика ва маҳаллий органлари билан биргаликда корхоналар банкротлигининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилиши ташкил этилишини таъминлаш;

устав фондида давлат улуши бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқиши ва амалга оширилишига қўмаклашиш;

суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг ягона реестрини юритиш;

суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш.

8. Қўмита ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

банкротлик соҳасида давлат томонидан тартибга солиш бўйича:

а) тўловга қодир бўлмаган, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида маълумотлар базаси барпо этиш асосида устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий аҳволи мониторингини олиб боради;

б) ижро этувчи ҳокимият республика ва маҳаллий органлари билан биргаликда корхоналар банкротлигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилиши ташкил этилишини таъминлайди;

в) банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилишидан келиб чиқувчи жараёнларни амалга ошириш мақсадида норматив ва методик базани барпо этиш ишларини ташкил этади;

г) банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиши соҳасидаги Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари, Комиссия қарорлари ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Комиссияга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

д) Корхоналар санацияси жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши ва ўз вақтида қайтарилиши устидан назоратни таъминлайди;

корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва таркибий ўзгартириш соҳасида:

а) устав фондида давлат улуши бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқишига ва амалга оширилишига кўмаклашади;

б) устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарда судгача санациялаш ва банкротлик тартиб-қоидалари бажарилиши устидан назоратни ташкил этади;

в) устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни судгача санациялаш, суд санацияси ва ташқи бошқарув режаларини келишади;

г) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда устав фондида давлат улуши бўлган, банкротлик белгиларига эга бўлган, тўловга қодир бўлмаган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда иштирок этади;

д) устав фондида давлат улуши бўлган, банкротлик белгиларига эга бўлган корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини манфаатдор вазирликлар ва идоралар, тижорат банклари билан биргаликда ўрганиб чиқади;

е) давлат мулкни бошқаришга вакил қилинган органларнинг ёки давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг таклифлари асосида Комиссияга банкротлик тартиб-қоидалари ташаббуси кўрсатиш тўғрисида таклиф киритади;

ж) Корхоналар санацияси жамғармасини белгиланган тартибда шакллантиришда қатнашади ва Комиссиянинг қарорига кўра судгача санациялаш ва банкротлик тартиб-қоидаларини амалга ошириш учун жамғарма маблағларини тасарруф этади;

з) устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарга нисбатан банкротлик тартиб-қоидаларини қўллаш ва судгача санациялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан манфаатдор шахсларнинг мурожаатлари ва таклифларини кўриб чиқади;

и) тўловга қодир бўлмаган, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва жамоа хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқишда қатнашади;

к) устав фондида давлат улуши бўлган, тўловга қодир бўлмаган, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни судгача санациялаш, уларга нисбатан банкротлик тартиб-қоидаларини қўллаш юзасидан Комиссияга таклиф киритади;

л) қишлоқ хўжалиги корхоналари банкротлигининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш тўғрисида Комиссияга таклиф киритади;

м) ижтимоий инфратузилма объектларини белгиланган тартибда маҳаллий бошқарув органлари балансига бериш ва умумий фойдаланиладиган ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини хўжалик бирлашмаларининг функционал вазифасига кўра тегишли хўжалик бирлашмалари корхоналари балансига бериш тўғрисида Комиссияга таклиф киритади;

н) таркибий ўзгартирилиши керак бўлган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиб-қоидалари қўлланилган корхоналарнинг қурилиши тугалланмаган объектларини ва асосий фондларини консервация қилиш тўғрисида Комиссияга таклиф киритади;

суд бошқарувчилари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш соҳасида:

а) суд бошқарувчиларини тайёрлаш тизимини ташкил этади;

б) суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш ва суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритади;

в) хўжалик суди сўровига биноан суд бошқарувчиси номзодини тақдим этади.

9. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўз ҳудудий бошқармалари орқали ҳал қилади.

III. Қўмитанинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш дастурларини шакллантиришда қатнашиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат солиқ хизмати органларидан ва давлат статистика органларидан корхоналарнинг иқтисодий кодирлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда молиявий аҳволи мониторинги олиб борилаётган корхоналар раҳбарларидан корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш;

хўжалик юритувчи субъектлар (кичик ва хусусий корхоналардан ташқари) раҳбарларига ёки бошқа мансабдор шахсга белгиланган тартибда корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этмаганлиги ёхуд ўз вақтида тақдим этмаганлиги учун белгиланган тартибда жарималар солиш;

корхоналар томонидан судгача санация бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва ушбу мақсадларга йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш;

банкротлик соҳасида ўз фаолиятини амалга оширувчи хорижий мамлакатлар органлари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар тузишда қатнашиш;

устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бўлган корхоналарни банкрот қилиш тўғрисида иш қўзғатиш юзасидан хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиш;

банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш давомида ташқи бошқарувни жорий қилиш, ташқи бошқарув муддатини узайтириш ёки қисқартириш, шунингдек ташқи бошқарувчини ўз ваколатларини ижро этишдан озод қилиш тўғрисида хўжалик судига тақдимнома киритиш;

устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг ишламаётган объектларини консервация қилиш масаласи бўйича хўжалик судига белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ суд бошқарувчилари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, суд бошқарувчиси фаолиятида қонун ҳужжатларининг мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилиши аниқланган тақдирда суд бошқарувчисини вазифаларини бажаришдан озод қилиш тўғрисида хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиш;

суд бошқарувчиларига берилган аттестатлар амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ва тўхтатиш.

Қўмита Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Қўмита ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажариш мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир.

Қўмита зарур ҳолларда бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

12. Қўмита ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Қўмита фаолиятини ташкил этиш

13. Қўмитага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинландиган ва лавозимдан озод қилинадиган раис раҳбарлик қилади.

Раиснинг икки нафар ўринбосари бўлади.

Қўмита раиси лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг ўринбосари ҳисобланади ва мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари эса — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

14. Қўмита раиси:

Қўмита фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Қўмитанинг таркибий ва ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди.

Қўмита марказий аппарати ходимларини, Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Раис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Қўмита ходимларига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда моддий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари татбиқ этилади.

16. Қўмита Қўмитанинг моддий-техника базасини ривожлантиришга ва Қўмита тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга Корхоналар санацияси жамғармасига тушадиган маблағларнинг кўпи билан 15 фоиздан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

17. Ҳудудий бошқармалар ўз фаолиятини Қўмита томонидан тасдиқландиган низомга мувофиқ амалга оширадilar.

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда Қўмита раиси томонидан тайинландилар.

18. Қўмитани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.


Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 18 февралдаги 77-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг ташкилий тузилмаси

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги
Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармалари

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор
корхоналар ишлари қўмитаси марказий аппарати тузилмаси**



Марказий аппарат ходимларининг чекланган умумий сони — 32 киши,
шу жумладан бошқарув ходимлари — 25 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 18 февралдаги 77-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 28 декабрдаги 465-сон қарорининг 1 ва 3-бандлари ҳамда қарорга 2—4-иловалар.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» 1999 йил 26 июлдаги 362-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 42-модда) 7-бандининг иккинчи хатбоши ва қарорга 1-илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 31-модда) 2-илова 1-бандининг иккинчи хатбоши.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 30 июндаги 294-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 52-модда) 2-илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2004 йил 19 январдаги 31-сон қарорига илова 1-бандининг «д» кичик банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

84 Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган тоифага киритиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 февралда 1311-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сонли «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган тоифага киритиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маҳаллийлаштириш комплекс дастурига киритилган корхона томонидан божхона органларига ваколатли органнинг низомда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган тоифага киритиш юзасидан берган хулосаси тақдим қилинганда, божхона туловлари олинмайди (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари).

2004 йил 1 январдан бошлаб эркин муомалага чиқарилган, республикада иш-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

лаб чиқарилмайдиган четдан олиб келинган технология асбоб-ускуналари ва унинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштирилмайдиган маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича божхона тўловлари юқорида кўрсатилган корхоналарга божхона органларига мурожаат қилинган пайтдан бошлаб бир ой ичида қайтарилади.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 февраль,
ЭГ-01-02/12-368-сон

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 февраль,
19-сон

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 февраль,
29-сон

**Давлат божхона қўмитасининг
раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 6 февраль,
01-02/8-11-сон

**Давлат солиқ қўмитасининг
раиси Ж. САЙФИДДИНОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 6 февраль,
2004-18-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

85 Қурилиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳозлаш, лойиҳалаш, материаллар, конструкциялар ва ускуналарни сотиб олишга тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 февралда 1177-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2002 йил 16 сентябрдаги 7-сон (2002 йил 2 октябрь, рўйхат рақами 1177-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 19-сон) қарори билан тасдиқланган Қурилиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳозлаш, лойиҳалаш, материаллар, конструкциялар ва ускуналарни сотиб олишга тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг
раиси А. ТОХТАЕВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 3 февраль,
3-сон

Давархитектқурилиш қўмитасининг
2004 йил 3 февралдаги 3-сон қарорига
ИЛОВА

Қурилиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳозлаш, лойиҳалаш, материаллар, конструкциялар ва усқуналарни сотиб олишга тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

1. 15-банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«ресурс ведомостлари жами ва ишларнинг физикавий ҳажмлари ведомостлари;».

2. 1-иловадаги «Пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) республика бошқармасининг» сўзлари «қурилишда танлов савдолари бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 2-иловадаги «Пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) республика бошқармасининг» ва «Пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) республика бошқармаси» сўзлари «қурилишда танлов савдолари бошқармасининг» ва «қурилишда танлов савдолари бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

86 Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 февралда 1219-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2004 йил 26 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 567-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 14 январда 7 ва 2002-03-сонли қарори билан тасдиқланган Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2003 йил

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

18 февраль, рўйхат рақами 1219-сон — Меъерий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 4-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 январь,
7-сон

Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ж. САЙФИДДИНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 январь,
2004-07-сон

Молия вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг
2004 йил 6 январдаги
7, 2004-07-сон қарорига
ИЛОВА

**Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банддаги «б» кичик банди чиқариб ташлансин.
2. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Экология солиғи солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш объекти ва белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланади. Экология солиғи бўйича ҳисоб-китоблар ҳар чоракда ўсиб борувчи яқун билан, мазкур Йўриқноманинг иловасидаги шакл бўйича, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича — йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатида, рўйхатдан ўтган жойи бўйича давлат солиқ органларига тақдим этилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

87 Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 февралда 1102-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-3376-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 567-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 31 январда 29 ва 2002-27-сонли қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 5 март, рўйхат рақами 1102-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил 5-сон; 2003 йил, 1-2-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 12 январь,
10-сон

Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ж. САЙФИДДИНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 12 январь,
2004-09-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

88 Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 февралда 1075-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2001 йил 28 сентябрдаги 06-6-сон (2001 йил 27 октябрь, рўйхат рақами 1075-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 20-сон) қарори билан тасдиқланган Қурилиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳозлаш, лойиҳалаш, материаллар, конструкциялар ва ускуналарни сотиб олишга тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг
раиси А. ТОХТАЕВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 3 февраль,
2-сон

Давархитектқурилиш қўмитасининг
2004 йил 3 февралдаги 2-сон қарорига
ИЛОВА

**Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон
Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан
савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад
этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида**

1. 2-бандда:
 - а) биринчи хатбошидаги «икки ҳафталик» сўзлари «ўн беш кунлик» сўзлари билан алмаштирилсин;
 - б) «в» кичик банддаги «ўзаро тузилган» сўзлари «келишилган» сўзи билан алмаштирилсин.
2. 6-бандда:
 - а) «к» кичик бандининг иккинчи хатбошиси «қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин;
 - б) «к» кичик бандининг учинчи хатбошиси олиб ташлансин.
3. 1-иловадаги «Пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) республика бошқармасининг» сўзлари «қурилишда танлов савдолари бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНинг
ҚАРОРИ

89 **Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 февралда 1107-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Қонуни 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 567-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 22 январда 25 ва 2002-13-сонли қарори билан тасдиқланган Юридик

шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага (2002 йил 11 март, рўйхат рақами 1107-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5, 19-сон; 2003 й., 5-6-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 январь,
5-сон

Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ж. САЙФИДДИНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 январь,
2004-05-сон

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 5 ва 2004-05-сон қарорига
ИЛОВА

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 2-банднинг биринчи хатбошида «тўловчиларга» деган сўздан кейин «(улгуржи ва чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 10-банд бўйича:

а) биринчи хатбошидаги «3» рақами «3,5» рақами билан алмаштирилсин;

б) тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда — белгиланган ставка 30 фоизга камайтирилади;

экспорт улуши 30 фоиздан ортиқ бўлганда — белгиланган ставка 50 фоизга камайтирилади».

3. 12-банддаги «г» ва «и» кичик бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 14-банддаги «в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 18-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Биринчи чорак, ярим йил, 9 ой ва йил тугаганда тўловчилар мустақил равишда мол-мулк солиғини ўсиб боровчи яқун билан, ҳисобот даврида мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қийматидан келиб чиқиб, ҳисоблаб чиқадилар (мазкур Йўриқномага 2-илова) ва ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасидан, йил яқунлари бўйича — йиллик молия ҳисоботларини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этадилар. Мол-мулк солиғининг ҳисобланган суммаси ҳисоб-китобни тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб беш кунлик муддатда тўланади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**90 Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган тех-
ник талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
17 февралда 1312-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 27 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 ноябрдаги «Қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида»ги 506-сонли қарорига мувофиқ, Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисидаги низом (янги таҳрири) иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.
3. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб Марказий банк Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 285-сон билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (1998 йил 30 ноябрь, рўйхат рақами 553-сон).

**Марказий банк Бошқаруви раиси вазифасини
в.б. М. ЖУМАГАЛДИЕВ**

Тошкент ш.,
2003 йил 27 декабрь,
555-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ BAZIRINING
БУЙРУҒИ**91 Таваккалчиликка асосланган ўйин автоматлари за-
лини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
17 февралда 1313-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 27 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 15 ноябрдаги 396-сон ва «Лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2003 йил 16 июлдаги 314-сон қарорларига асосан **бюраман:**

1. Таваккалчиликка асосланган ўйин автоматлари залини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 январь,
23-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

92 «Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига киритилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот» бўйича 1-қурилиш (йиллик) ва 1-қурилиш (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
17 февралда 1314-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 27 февралдан кучга киради)

«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунга асосан ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 409-сонли «Қурилиш доирасидаги ҳисоботларни янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар» тўғрисидаги қарори асосида Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига киритилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот» бўйича 1-қурилиш (йиллик) ва 1-қурилиш (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор барча хўжалик юритувчи субъектларга фойдаланиш учун етказилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатида қайд қилинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Давлат статистика қўмитасининг раиси Ф. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 23 январь,
3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

93 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
20 февралда 1149-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2003 йил пахта толасини сотишдан бошлаб кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги 240-сонли «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизми такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 11-бандига асосан **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви томонидан 2002 йил 25 майда 66, 218-В-сон билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (2002 йил 12 июнь, рўйхат рақами 1149-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 23-24-сон) ўзгартиришлар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор 2003 йил пахта толасини сотишдан бошлаб кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 28 ноябрь,
128-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 28 ноябрь,
218-В-1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 14 февралдан 20 февралгача бўлган маълумот

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган тоифага киритиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 февралдаги ЭГ-01-02/12-368, 19, 29, 01-02/8-11, 2004-18-сон қарори.

2004 йил 16 февралда 1311-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 февралдан кучга киради).

2. «Қурилиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳозлаш, лойиҳалаш, материаллар, конструкциялар ва ускуналарни сотиб олишга тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 3 февралдаги 3-сон қарори.

2004 йил 16 февралда 1177-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 февралдан кучга киради).

3. «Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 7, 2004-07-сон қарори.

2004 йил 16 февралда 1219-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 февралдан кучга киради).

4. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 12 январдаги 10, 2004-09-сон қарори.

2004 йил 16 февралда 1102-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 февралдан кучга киради).

5. «Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 3 февралдаги 2-сон қарори.

2004 йил 16 февралда 1075-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 февралдан кучга киради).

6. «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 5, 2004-05-сон қарори.

2004 йил 16 февралда 1107-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 февралдан кучга киради).

7. «Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 27 декабрдаги 555-сон қарори.

2004 йил 17 февралда 1312-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 27 февралдан кучга киради).

8. «Таваккалчиликка асосланган ўйин автоматлари залини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 28 январдаги 23-сон буйруғи.

2004 йил 17 февралда 1313-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 27 февралдан кучга киради).

9. «Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига киритилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот» бўйича 1-қурилиш (йиллик) ва 1-қурилиш (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 3-сон қарори.

2004 йил 17 февралда 1314-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 27 февралдан кучга киради).

10. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 28 ноябрдаги 128, 218-В-1-сон қарори.

2004 йил 20 февралда 1149-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил пахта толасини сотишдан бошлаб кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисида низом» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (30.11.1998 й., рўйхат рақами 553-сон).

Адлия вазирининг 2004 йил 17 февралдаги 38-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ТУЗАТИШ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 10 февралдаги 38/60-сон хатига асосан «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низом»га киритилган 2-сон қўшимча матни (2004 йил 14 январь, рўйхат рақами 1204-2-сон — Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 1-2-сон, 26-модда) қуйидаги таҳрирда ўқилсин:

«5-банд қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Алоҳида ҳолларда, тижорат банки Бошқаруви тавсияси асосида банкларнинг туман филиаллари бош бухгалтерлари лавозимларига иқтисодий ўрта махсус маълумотга эга бўлган номзодларни маълумоти бўйича Комиссия қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга».